

А Ж Р И М

(Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2023 йил декабрь ойининг 28 куни, жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман суди, ўз идора биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи туман судининг раиси А.Дадаханов,

Судья ёрдамчиси С.Марибовнинг котибалигида, тарафлардан Шаҳрихон туман прокурори ёрдамчиси Ф.Йигиталиев, Пробация гуруҳи катта инспектори К.Бойматов, маҳкум Х.Урайимовнинг иштирокида, маҳкум Урайимов Хусанбой Юнусалиевични Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномани кўриб чиқиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и:

Урайимов Хусанбой Юнусалиевич, 1977 йил 10 майда Шаҳрихон туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, оилали, 4 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, Андижон вилояти “Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси” Давлат унитар корхонасида мутахассис, Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, “Қўрғонча” маҳалла, Иброхим эллик кўчасида яшайди.

Маҳкум Х.Урайимовга муқаддам жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2023 йил 16 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Суд тақдимномани тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, Шаҳрихон туман прокурори ёрдамчиси Ф.Йигиталиев, маҳкум Х.Урайимовнинг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, маҳкум Х.Урайимов ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ даврида, шу жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги ҳамда жазо муддатининг бошланиши 2023 йил 14 апрель бўлиб, жазонинг 8 ой 22 кунини амалда ўтаганлиги, ўталмай қолган қисми эса 1 йил 4 ой 7 кунни ташкил қилиб, унча оғир бўлмаган жиноятлар таснифига кирганлиги сабабли суд тайинланган жазо муддатининг учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаганлигини инобатга олиб, тақдимномани қаноатлантиришни, маҳкум Х.Урайимовни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига



